

«ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАЪРУЗАСИ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТИНЧЛИК ВА БАҲАРАЖЛИКНИ САҚЛАШДЕК ОЛИЖАНОБ МАҚСАДГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН»

(Давоми. Боши 1-бетда).

“Ташқи ёрдамга муҳтож бошқа бир мамлакат — бекарор ҳолатга тушиб қолган Қирғизистон учун ҳам иқтисодий танглик ва ишсизлик ҳамон жиддий муаммолигича қолмоқда. Маълум бир мамлакатда иқтисодий, сиёсий ва иқтисодий бекарорлик ҳамда уруш хавфи мавжуд вазиятлар ҳукм сураркан, глобал даражада тараққиёт мақсадлари эришиш ҳақида гапириш мумкин ҳам эмас.

Қирғизистоннинг иқтисодий-иқтисодий ривожланишини қўллаб-қувватлаш, ушбу мамлакатда адолатли тиклаш ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган Президент Исрол Каримовнинг давлатига Ўзбекистонга қўшни бўлган давлатлар ва БМТ жиддий эътибор қаратиши даркор”, деди америкалик профессор.

П. Морвиздиннинг фикрича, Исрол Каримов БМТ ҳамда 140 та давлат ва ҳукумат раҳбарларига мурожаатида Марказий Осиё минтақаси, шунингдек, бутун жаҳоннинг барқарор ривожланиши йўлида бир қатор ўта муҳим тавсия ва таклифларни илгари сурди.

Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёт йўли хусусида сўз юритаркан, П. Морвиздин “Ўзбекистон Президентининг мамлакатининг мураккаб вазиятидаги ривожланишининг айрим ютуқларини айтиб ўтди, ҳолос. Аммо Нью-Йоркда йилгиланган учун ушбу таъриб билан танишиш ҳам ниятда қолдирилди. Ўзбекистон барқарор ва жадал суратлар билан ривожланаётган ҳамда ўз тараққиёт йўлини мустақил белгилайдиган, минтақа тараққиётининг этаққи кучи саналадиган давлатлар сирасига кирази. Бинобарин, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига бардош бера олишга қодир бўлган ушбу мамлакат каби минтақа иқтисодиётининг фаровон марказлари пайдо бўлмас экан, барқарор глобал тараққиёт мақсадларига эришиш ҳақида сўз юритиш ноўриндир”, дея алоҳида қайд этди.

Америкалик профессорнинг хулосасига кўра, Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш борасида фан ва таълим соҳасига қаратилган улкан эътибор, ушбу тармоққа янги ички маҳсулотнинг 12 фоизи сарфланаётгани сингари саъй-ҳаракатларнинг мамлакат устувор вазифалари қаторида туриши Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётга улкан ҳисса қўшади.

«Жаҳон» АА.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли иқтисодий-ижтимоий барқарорлик таъминлаб келинмоқда. Буни жорий йилнинг биринчи ярмида эришилган натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Унга кўра, бу даврда Давлат бюджети даромадлари 100,6 фоизга бажарилди ҳамда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси эса прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлишига эришилди.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЯНЧИ

Табиийки, ушбу рақамлар замирида катта маъно яширин. Буни таъдил жараёнида янада кенгроқ тушуниш мумкин. Маълумки, Давлат бюджетини шакллантиришда кичик корхона ва микрофирмаларнинг ўрни катта. Шу боис Юртбошимиз раҳнамолигида кичик корхона ва микрофирмаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг янада тараққиёт этиши учун кенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар учун ягона солиқ тўловининг 8 фоиздан 7 фоизга туширилгани ушбу гамхўрликнинг яққол мисолидир. Солиқ ставкаси пасайишига қарамай, улар томонидан Давлат бюджетига 2010 йилнинг олти ойида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 29 миллиард сўмга яқин маблағ кўп тушгани ҳам мазкур йўлнинг қанчалик тўғри эканлигини кўрсатиб турибди. Айтиш керакки, бу йилда бу кичик бизнес субъектларида 18 миллиард сўми иқтисод қилиш имконини берганлиги ҳам эътиборга молик.

Бундай ижобий натижалар жисмоний шахсларнинг Давлат бюджетини шакллантиришдаги иштирокида ҳам кўзга ташланади. Жорий йилнинг 1 январидан жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солиғи 12 фоиздан 11 фоизга туширилди. Бу, кўп ўтмай, ўзини оқлади: ҳисобот даврида мазкур солиқ бўйича

давлат газнасига 755,2 миллиард сўм тушишига эришилди. Яъни мазкур жаҳада ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 19,5 фоиз ўсиш таъминланди. Шу ўринда айтиш керакки, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи салмоқли бўлиб бораётгани, ўз навбатида, уларнинг даромади барқарор сурьатларда ошиб бораётганлигини ҳам тасдиқлайди.

Юридик шахслардан олинаётган фойда солиғи борасида ҳам шундай йўл тўтиляётгани ўзини оқламақда. Улар учун фойда солиғи 10 фоиздан 9 фоизга туширилган бўлса-да, тушум жорий йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 26,6 фоиз кўп бўлди. Боз устига, солиқ ставкасининг пасайтирилиши ҳисобига 34 миллиард сўм маблағ жисмоний шахсларнинг жорий этиш, ҳодимларни рағбатлантиришга сарфланаётган. Мазкур саъй-ҳаракатлар корхоналарнинг янада ривожланишига ҳамда ишлаб чиқариш кенгайиб, унинг экспорт салоҳияти юксалишига хизмат қилмоқда. Айтиш керакки, бу Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувват-

лаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармони моҳиятида нечоғли улкан мақсад ва гамхўрлик мужассам эканлигининг ҳаётий тасдиғи бўлди. Зеро, ушбу ҳужжатда кўзда тутилган асосий вазифалар амалга оширилиши эвазига иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарида қарийб 600 миллиард сўм тежаб қолинди. Эндиликда мазкур маблағ корхоналар фаолиятини кенгайтиришга сарфланадиган маблағлар ҳисобига 91 лойиҳа муваффақиятли бажарилди. Яъни 236 та мелиорация объектлари умуий қиймати 32,2 миллиард сўмлик таъмирлаш ва қайта таъмирлаш юмушлари амалга оширилди. Бундай саъй-ҳаракатлар туфайли умуий зулғулиги 8085,9 километрик хўжалиқларор ва хўжалик ичидаги дренаж тармоғи, 12 та мелиорация насоси ҳамда кўлаб мелиорация иншоотлари тўлиқ қувват билан ишлашига замин яратилди.

Замонавий транспорт-коммуникация тизимидаги ишлар қўлами ҳам бундан кам эмас. Бу даврда халқаро ва давлат аҳамиятига эга автомобиль йўлларини қуриш, реконструкциялаш ва йўл-қури-

лиш техникаларини харид қилиш учун жами 190,6 миллиард сўм йўналтирилди. Натижада мамлакатимиз автомагистраллари бўйлаб 13 та инфрагузлалма ва хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилди, 59 тасида эса бунёдкорлик ишлари давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йил биринчи ярим йиллиги ижроси юзасидан амалга оширилган бундай ишлар алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга, ҳисобот даврида айрим бюджет муассасаларида маблағларни мақсадсиз сарфлаш, бюджет ва тўлов интизомига риоя этмаслик, маблағларни ноқонуний ишлатиш билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарлик борлиғи қайд этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ҳамда “Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида”ги қонуни ижроси билан боғлиқ айрим камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Жойлардаги бундай камчиликларни бартафоз этиш ҳар биримиздан, яъни маҳаллий ҳокимликлар, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашилари депутатлари, парламент депутат ва сенаторларидан мазкур масалаларга янада масъулият билан ёндашишни талаб этади. Зеро, шунда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳаётий натижаси яққол намоён бўлади, халқимиз эса ўз олдига қўйган юксак мақсадларига эришади.

Маҳорат ва истеъдо талқинлари

— Фотобиенналеда юртимиз ёшлари фаол қатнашмоқдалар, — дейди Халқаро маданият карвонсаройи директори Фаррух Усмонов. — Қувонарлиси, Саидазим Фозиллов, Ҳасан Пайдоёв, Гунта Подина сингари изланувчан ёшларимиз ижодига мансуб туркум асарлар “TashkentALE”нинг “Тажриба қанотлари” ҳамда “Навқирон ва ёрқин” номли махсус номинациялари бўйича энг яхши фото иши сифатида баҳоланмоқда.

— Ёш иждодкорлардан бириман, — дейди озарбойжонлик Агнес Вагисзода. — Ўзбекистонлик фотосанъат усталари орасида изланиб, ўз услубини топишга интиляётган тенгдошларим кўп эканлигини хурсанд бўлдим. Улар билан ўзаро фикр алмашиш, санъат ва ҳақиқат мулоҳазаларини тинглаш, янгилик ва гоёлар билан танишиш мен учун ниятда мароқлидир. Энг асосийси, шундай нуфузли тадбирда қатнашиш nasib этди. Қолаверса, Ўзбекистондек бетакрор заминнинг тарихий гушларини, миллий қадриятларини ҳақидаги тасаввурларим янада бойиди. Бу эса ижодий изланишларимда беҳисоб аҳамиятга эгадир.

Фотобиеннале доирасида, шунингдек, Тошкент Фотосуратлар уйи қўшидаги мактаб-студия тингловчилари ҳамда Камолуддин Бехзод номлидаги миллий расмилар ва дизайн институти талабалари учун фотосанъат усталарининг маҳорат сабоқлари ташкил этилмоқда.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

СИФАТЛИ ВА ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

Мамлакатимизда саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, янги корхоналарни бунёд этишга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада иқтисодиётнинг

муҳим тармоғи — ишлаб чиқариш соҳаси жадал ривожланиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланаётган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорда талаб ортиб бораётган.

Урганч шаҳридаги пойабзал ишлаб чиқаришга иқтисослаштирилган “Darital shoes” масъулияти чекланган жамиятининг фаолияти ҳам бунга мисол бўла олади. Корхона Италия ва Германия давлатларидан келтирилган замонавий дастгоҳлар, тикув машиналари билан жиҳозланган бўлиб, йилига 100 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозир бу ерда меҳнат қилаётган 95 нафар йигит-қиз эркаклар ва болалар учун мўлжалланган 100 турдан зиёд пойабзаллар тайёрланапти.

Модернизация

Эътиборли жиҳати, корхона иш бошлаганидан буён ўтган қисқа муддатда ўз фаолиятини кенгайтириб бормоқда. Бунда жалб этиляётган инвестицияларнинг аҳамияти катта. Жумладан, ўтган даврда жамиятга 45 минг АҚШ долларига яқин сармоа киритилиб, қўшимча дастгоҳлар харид қилинди. Шунингдек, 200 миллион сўмлик реконструкция ишлари бажарилди. 75 минг АҚШ долларлик инвестиция эса корхона қошида ип-йигирув цехи ташкил этишга йўналтирилди. Албатта, бундай саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бериб, корхонада ишлаб чиқариш ҳажми кундан-кун ортиб бораёпти. Хусусан, жорий йилда бу ерда 202 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, харидорларга етказиб берилди.

Эътиборли жиҳати, корхона иш бошлаганидан буён

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: корхона ишчиси Зокир Ҳужаниёзов. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.



ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

жамоат фондлари, давлат субсидияси ва бошқа маблағларидан самарали фойдаланиш, “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини,

ёшлар ахборот-маърифат маркази раҳбари Назифа Камолова. — Бугунги тадбир ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш, ёшлар ва аёлларнинг бандлик даражасини ошириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича ўзаро таъриб алаштириш имконини ҳам беради.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ, ўЗА мухбири.

ни, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий фаолигини ошириш бўйича олиб бориляётган ишлар муҳокама этилди. — Аҳоли ўртасида нодавлат но-тижорат ташкилотларнинг мавқеи ортиб бораётгани қувонарли ҳол, — дейди “Истиқболли авлод”

ИНТИЛИШ, ИЗЛАНИШ, ФАОЛЛИК

мамлакатимизда тадбиркорликнинг кундан-кунга ривож топишида муҳим омил бўлмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

“Ғиждувон Машхураси”нинг доврғи ён-атрофга тез тарқалди. 1998 йилда марказда 120 нафар қиз тикувчилик сирларини ўрганган бўлса, тез орада уларнинг сони 180 нафардан ошди. Ушунда марказ атиги битта йўналиш — ёшларни тикувчиликка ўргатиш билан иш бошлаганди. Айтиш керакки, бу йилда ушбу йўналишлари 15 тага етди.

Марказда у ёки бу хунар сирларини кунт билай ўргатишади. Вақт ҳам, ўқушга сарфланган маблағ ҳам эса кетмайди. Муҳими, ёшларнинг қўчилиги, хусусан, қизлар атиги уч-тўрт ой ичида хунарли бўлиб, ўз бизнесларини йўлга қўйишмоқда. Бичиштириш, каштачилик, тўкувчилик, миллий таомлар тайёрлаш каби хунарлар-

ни эгалляётган бу қизлар эртага мустақил ҳаётга қадам қўйишганида ҳам қўйилиб қолишмайди. Бу ерда нафақат Бухоро, Балқаш қўшни Навоий, Қашқадарё, Хоразм вилоятларидан келган ёшлар ҳам хунар ўрганишгаётганининг боиси шунда.

Марказда хунар эгаллашмиши учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди қашқадарёлик Юлдуз Бекова. — Устозларимиз кўмағида бичиштириш кунт билан ўрганиламан. Келгусида худди Замира оламдек қишлоғимиз ёшларига шу касб сирларини ўргатиш ниятим бор.

Марказимизда ўттизта иш ўрни яратилган, — дейди З. Сафарова. — Талаб ва эҳтиёж ошганини инобатга олиб, замонавий тикув дастгоҳларни харид қилаямиз. Мана бу дастгоҳ ком-

пьютер воситасида бошқарилади. Иш унуми, сифати юқори. Бир йўла иккита жараёни бажаради... — Шогирдларингиз орасида ўз бизнесини йўлга қўйганлари ҳам кўп экан. Ўзингизга рақобатчи тайёрляётганингиздан хавотирдан эмасмизми? — ўсмоқчилаб сўраймиш ундан.

— Карвон кўп, ризқи булак, — кулади Замира Сафарова. — Ўқув марказимизни ўтган давр мобайнида ўн беш минг нафардан зиёд йигит-қиз биттириб чиқди. Улар орасида тадбиркорлик билан шуғулланаётганлари кўплигидан жуда хурсандман.

Дарҳақиқат, интилиш, изланиш ва қатъиятликда ҳикмат кўп. Қаноат ва бағрикенгликда ҳам. Назаримизда, “Ғиждувон Машхураси”нинг энг катта ютуғи шу.

Истам БЕРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ ШАРОФАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Корхонанинг 110 турдан орტიқ маҳсулотлари ташқи кўриниши ва сифати жиҳатидан Фарб мебелларидан сира қолишмаслиги сабабли, бюртмачилар сафи тобора кенгайяётгани шундан далолат беради.

Эътиборлиси, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларни банк кредитига ҳам сотиб олиш мумкин. Мазкур йўналишда 4 та кредит муассасаси билан шартнома тузилган. Нобэ ёнғок, тол, заранг дарахт-

қисмларни харид қилиш бўйича буюртма берган.

Механика заводи ишчилари нафақат чўян, пўлат, алюминий ва бронзадан эҳтиёт қисмлар, балки тайёр маҳсулотлар, техника воситаларни ҳам ишлаб чиқаришяпти. Фермерлар учун электр двигателли ёрдамида ҳаракатга келадиган минитракторлар — шулардан бири. Бундай тракторларни ҳозир вилоятдаги барча туманларда учратиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Маҳаллий-

лаштириш дастури ижроси туфайли вилоят бўйича экспорт қорхоналар сони 17 тага кўпайди. Енгил саноат қорхоналарида эса, асосан, маҳаллий хом ашёдан фойдаланиляётганлиги натижасида шу йилнинг ўтган даврида маҳсулот экспорт қилиш режаси 122 фоизга бажарилди. Буларнинг барчаси маҳаллийлаштириш ислохотлари таянчига айланаётганини яққол кўрсатиб турибди.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Қайтариб олишини билдирди

Германиянинг "Daimler" автомобилсозлик компанияси АҚШ бозорига сотилган 85 минг дона "Mercedes-Benz" русумидаги машинасини қайтариб олишини маълум қилди.

"Bloomberg" агентлиги хабарида айтилишича, мазкур автоуловларнинг бошқариш тизимида нуқсон борлиги аниқланган. Табиийки, бу ҳайдовчи ва йўловчилар ҳаётига хавф солади. Камчилиги бор автомобиллар қайси йилларда ишлаб чиқарилгани тўғрисида ҳозирча маълумот берилмади.

Нефть нархида ўзгариш

Жаҳон бозорига нефть нархи пасаймоқда, дея хабар беради "Новости" ахборот агентлиги.

Хусусан, Нью-Йорк биржасида ўтказилган сўнгги савдолар чоғида "WTI" русумидаги бир баррель "қора олтин"нинг қиймати 0,43 АҚШ долларига арзонлашган ҳамда 81,78 доллардан сотилган. Изоҳланганича, нефть нархининг тушишига доллар қийматини оширишга қаратилган ҳаракатлар сабаб бўлмоқда.

«Саёҳатчи» астероид

Унчалик катта бўлмаган астероид сешанба кунни тонгда Ерга яқин учиб ўтган.



Халқаро астрономика иттифоқининг кичик планеталар маркази томонидан билдирилишича, само жисмининг ҳажми 10 — 12 метр атрофида бўлиб, унинг ҳаракати АҚШнинг Аризона штатидаги "Маунт-Лемон" обсерваториясида аниқланган. Астероид Ерга қарийб 50,6 минг километрга яқинлашиб келган.

Мутахассислар мазкур само жисмининг сайёрамизга ҳеч қандай хавф солмаглигини билдиришди.

Тайванда зилзила

Тайвань оролида кучли зилзила содир бўлди, дейилади "Синьхуа" ахборот агентлиги хабарида.

Табиий офат оролнинг шимоли-шарқида қайд этилган ва унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 5,2 балли ташкил этган. Қурбонлар ва талафотлар ҳақида маълумотлар йўқ. Шу ўринда айтиб ўтамиз, Тайванда 1999 йилда юз берган зилзила катта мусибатларни келтириб чиқарганди. Ушанда



кузатилган 7,6 балли ер силқиниши 2,4 минг нафар одамни ҳаётдан олиб кетганди.

Локомотивга тўқнашиб кетди

Украинанинг Днепропетровск вилояти Марганец шаҳрида йўл транспорти ҳодисаси содир бўлди.

Бу ерда ички йўналишларда қатновчи автобус локомотивга тўқнашиб кетган. Оқибатда 37 киши ҳаётдан қўз юмган, 12 киши тан жароҳати олган. Фожа сабаблари аниқ эмас.

Янги тропик довул

Атлантика океанида янги тропик довул кузатилмақда.

Харакатланаяпти. Унинг тезлиги соатига қарийб 100 километри ташкил этмоқда. Кузатувчилар довул Мексиканинг Ютакан яриморли ва Канкун дам олиш маскани, шунингдек, Гондурас, Никарагуа ва Белиз мамлакатларининг бир қисмига хавф солиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантиришди.

"Паула" дея номланган ушбу табиий офат ҳозир Кариб денгизининг жануби-ғарбидан Мексиканинг Ютакан яриморли томон

Хоризк матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ГЎЗАЛЛИК ВА ОБОДЛИК ЮРТИ

Тошкент давлат аграр университети талабалигига қабул қилинган нидандон газонлар ва уларни бегона ўтлардан саклаш муаммоси билан қизиқдим ва ушбу мавзуда илмий иш қилишни кўнглимга тугдим. Оддий майса учун ҳам шунча изланиш зарур экани, деган ҳаёлга боришингиз, табиий. Бироқ ён-атроф, ҳовлию маҳалламиз, шаҳримиз кўчаларининг кўрғида кўрқ қўшиб турган бу майсалар маданийлаштирилган ўсимлик бўлиб, кишидан алоҳида парвариш ва эътибор талаб этади.

Осиё минтақасида газон муаммоларига бағишланган илк тадқиқотдир. Умуман, Тошкент давлат аграр университетида ўқитганимда ўз соҳам бўйича қатор халқаро анжуманларда иштирок этдим. Шу

да катта муваффақиятлар келтирди. Мазкур тадбирда қатнашиб, кўпгина ҳамкасбларим, танikli олимлар назарига тушдим. Қисқача айтганда, Баркамол авлод йили мен учун нихоятда омадли кечди. Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига сазовор бўлдим. Яқинда "Тошкент шаҳри газонларидаги бегона ўтларнинг тур таркибини аниқлаш ва уларга қарши кураш чоралари" мавзусидаги номзодлик ишини химоя қилиб, фан номзоди бўлдим.

Яна илмий ишим моҳиятига тўхталадиган бўлсам, шунга айтиш жоизки, авваллари газон уруғи,

Дастлаб кўча ва хиёбонларга экилган майсалар орасида мойсачак, беда сингари 73 турдаги бегона ўтлар борлигини аниқладим. Нега деганда, кучли кўёш нури таъсирида ер қавати маълум даражада зарарланади. Майсанинг илдири тизими ана шу зарарланган тупроқ таркибини тиклашга ёрдам берувчи муҳим во-

ситадир. Бегона ўтлар орасида қолган майса эса, табиийки, бу вазифани бажара олмайди. Бизда газонлар орасидаги бегона ўтлар таркибини аниқлаш ва унга қарши кураш технологияси мавжуд. Аммо бу технология иқлим шароитимизга мувофиқлашмайди. Шу боис илмий ишларимиз таданланган мавзу Марказий

нингдек, "Бугунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти" Халқаро академиясининг "Интеллектуал мулк асослари" дистанцион курсини тамомладим. Мамлакатимизда ташкил этилган инновацион фойлар, технологиялар ва лойиҳалар республика кўргазмасида широк эътиборга эришди.

2010 йил — Баркамол авлод йили

Micros Ўзбекистондаги расмий ҳамкори

CAS Corporation (Жанубий Корея)

ТАРОЗИ ТАРОЗИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМАРИ, ТАМҒАЛАШ УЧУН УСКУНАЛАР, ҲАМДА ШТРИХКОДЛАШ.

Биз дунёни ўлчаймиз!

РУСУМ SW **РУСУМ AD** **РУСУМ DL** **РУСУМ HERCULES**

БОЗОРЛАР УЧУН МАХСУС ТАКЛИФ

CAS ТАРОЗИЛАРИ ФАҚАТ БИЗДА!

Тошкент шаҳри: - Кичик Бешёғоч кўчаси, 86. Тел.: (998 71) 281-43-64, 281-47-24, факс (998 71) 281-43-65; - С. Азимов кўчаси, 72-«А». Тел.: (998 71) 236-04-49, факс 232-06-85.

www.micros.uz; e-mail: micros@ucd.uz, scales@ucd.uz

Интернет-дўкон: www.shop.micros.uz

Махсуслот сертификатланган.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши туман ҳокимликлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда бир қатор хайрли тадбирларни амалга оширмоқда.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Хусусан, Қибрай, Пскент туманлари ҳамда Бекобод шаҳрида "Боланинг бегонаси бўлмайди", "Огоҳлик — давр талаби" мавзуларида ташкил этилган тадбирлар давра суҳбатлари шулар жумласидадир. Тадбирда воёга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни жамиятимизга ёт бўлган турли оқим ва ақидан парастликлардан асраш, жамиятда ўз ўринларини топишларида кўмак-

Тадбир

лашиш масалалари ҳақида сўз борди. Шунингдек, йиғилишда сўнгги йилларда воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатлари камайгани, бунда ҳуқуқ-тартибот органлари, мактаб, маҳалла ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим омил бўлаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Дилором АБДУҒАФФОРОВА.

НУРЛИ МАНЗИЛЛАР ФАЙЗИ

Мамлакатимиз аҳолиси ва корхоналарини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш энергияни ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва сотиш каби ўта мураккаб техник, технологик жараёнлар билан боғлиқ. Бунда технологик йўқотишларни камайтирадиган, электр энергияси сарфини мунтазам ҳамда автоматик тарзда назорат қилиш имкониятини берадиган энг замонавий асбоб-ускуналарни қўллаш бугунги кун талабидир. Таъкидлаш жоизки, бу масалалар давлатимиз раҳбариятининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 июндаги «Электр энергияси истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бунга мисол бўла олади. Мазкур ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни бажариш мақсадида «Ўзбекэнерго» ДАҚда «Электр энергияси истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш» инвестиция лойиҳаси тайёрланди. Шу асосда компаниянинг «Тошкент шаҳар электр тармоқлари» очик акциядорлик жамияти (ТошЭТ ОАЖ) томонидан ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва электр энергияси истеъмолчини ҳисобга олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Унга қўра:

— аҳоли истеъмолчиларини тизимга улашда электр энергиясини ҳисобга олишнинг мавжуд эскирган ускуналарини ўрнига замонавий электрон ҳисоблагичларни ўрнатиш «Ўзбекэнерго» ДАҚ корхоналарининг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

— ҳўжалик юритувчи субъектларга эса мавжуд асбобларни алмаштириш уларнинг ўз маблағлари ҳисобига бажарилади;

— тизимга уланган истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш электр таъминоти бўйича икки томонлама тузилган шартнома асосида олдиндан туланган ҳақ доирасида амалга оширилади.

Ушбу ҳужжатларда янги қуриладиган объектлар замонавий электрон ҳисоблагичлар билан жиҳозланган тақдирдагина, фойдаланушига қабул қилиниши аниқ кўрсатилган. Истеъмолчилар шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки электр энергиясидан фойдаланиш қондларига бузилишига йўл қўйган вазиятларда, истеъмолчиларни огоҳлантирган ҳолда, шартномани бир томонлама бекор қилиб, мабандан узиб қўйиш мумкин. Бу чора-тадбир, ўз навбатида, ҳам истеъмолчининг, ҳам таъминотчининг шартнома интизомига қатъиян амал қилишига олиб келади.

— Энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш,

мавжуд маблағлардан оқилона фойдаланиш, тизимни кузқуш мавсумига сифатли тайёрлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш қилиш корхонамиз фаолиятининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади, — дейди «ТошЭТ» ОАЖ директори Шарофиддин Олимхўжаев. — Масалан, ҳўжалик эҳтиёжлари учун электр энергияси сарфини камайтириш мақсадида оддий чўгланма лампалар ўрнига юқори самарали, энергияни тежайдиган эритиш асбоблари ўрнатиш мумкин. Электр тармоқларида ҳозирги замонавий кабеллар ва арматураларни қўллашнинг жорий этиш натижасида материалларнинг хизмат муддатини оширишга эришилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 16 июндаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2010/2011 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга таъйинлаш таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш, аҳоли ҳамда корхоналарни узлуксиз, барқарор, сифатли электр энергияси билан таъминлаш мақсадида қўйилган ишлар бажарилди: 10/0,4 кВ қувланиш 178 та трансформатор пункти, 0,4 кВ қувланиш 120,8 километр ҳаво тармоқлари таъминланди, 110 кВ қувланиш «Оҳанбобоев», 35 кВ қувланиш «Чилонзор» нимстанцияларида эскирган вакуум жиҳозлари замонавий турлари билан алмаштирилди. Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур, Чилонзор, Миробод, Мирзо Улугбек ва Бектемир туманларидаги 6 кВ қувланиш кабелли тармоқларининг бир қисми 10 кВли қувланишга ўтказилди, 4,2 километрлик янги линия ишга туширилди. Шаҳримизнинг Юнусобод туманидаги Мирзаев, Шифокор ва Носиров, Ҳамза туманидаги Бекхўзор қўчаларида, Собир Раҳимов туманининг «Ҳасанбой», «Чинтуғун» маҳаллаларида ва Чукурсой кўчасида узатиш линияларининг чирган ёғоч таянчлари ўрнига муштакчан темир-бетон таянчлари ўрнатилди.

Янги иш ўринларини ташкил қилиш бўйича тасдиқланган дастурга асосан, 70 та иш ўрни яратилиб, ёш мутахассислар ишга қабул қилинди.

Пойтахт энергетиклари бундан кейин ҳам электр энергияси истеъмолчиларига сифатли хизмат кўрсатиш учун бор куч ва имкониятларини ишга солиш ниятларда.

Усмон УСМОНОВ тайёрлади.

SONATA Ўз йўлингни танла!

Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner **www.hyundai.com.uz** Tel. (8-371) 250-11-11

Ульяновск автомобиль заводининг Ўзбекистондаги расмий дилери

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган энгил ва юк автомобилларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади.

ЮК ТАШУВЧИ UAZ-3303

UAZ Hunter

ЮК ВА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ УЧУН МАХСУС UAZ-39625

UAZ Patriot Limited

UAZ-3741, юк ортиш учун ҳажмли UAZ-3909, 4x4 MPV: микроавтобус UAZ 2206, санитар автомобилнаси UAZ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

Шунингдек, кафолатли техник хизматлар кўрсатилади!

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., Бунёдкор ш., 27-уй.

